




ҲИСОБОТ 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

→ 2024 →

МУНДАРИЖА



| | |
|--|-----------|
| ● Кириш | 3 |
| ● I. Крипто-активлар айланмаси соҳасини тартибга солиш | 5 |
| ● II. Капитал бозори соҳасини тартибга солиш | 13 |
| ● III. Суғурта бозори соҳасини тартибга солиш | 18 |
| ● IV. Электрон тижорат ҳамда лотереялар ва букмекерлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ соҳаларни тартибга солиш | 22 |
| ● V. Халқаро ҳамкорлик | 23 |
| ● VI. Малака ошириш, коррупцияга қарши курашиш ва фаолият шаффофлигини таъминлаш | 29 |





Бугунги кунда, глобал иқтисодий ва бошқа муносабатлар архитектурасида юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида, мамлакатимизнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу жараёнлар янги чақириқларга дарҳол жавоб бериш, мамлакат иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни инновацион ёндашувлар ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни талаб этади.

Бир қатор муаммоларни ҳал этиш, шу жумладан рақамлаштириш, инновацияларни жорий этиш ва инвестицияларни жалб этишнинг янги шакл ва усулларини қўллаш учун давлат ва бизнес ўртасида яқин ҳамкорлик зарур, чунки барчамизга маълумки, инновациялар ва технологиялар қўпинча бизнес томонидан тақдим этилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Агентлигимиз тадбиркорлар ва фуқаролар билан очиқ мuloқot ўтказиш, бюрократия ва қофозбозликларга йўл қўймасликнинг доимий тарафдори.

2023 йилда Агентлигимиз томонидан криpto-активлар айланмасини тартибга солиш бўйича норматив-хуқуқий базани таомиллаштириш ва ушбу соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Шу билан бирга, ўтган йил Агентлик ривожида янги босқич бўлиб, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг қарори билан Агентлик зиммасига қатор йўналишлар бўйича янги вазифалар юклатилди.

Хусусан, Агентлик 2023 йил сентябрдан бошлаб капитал ва суғурта бозорларини тартибга солиш, унинг фаолиятини назорат қилиш, ноябрь ойидан бошлаб эса электрон тижоратни ривожлантириш, лотереялар ўтказишни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини тартибга солиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Қисқа вақт ичida Агентлигимиз томонидан бизнес вакиллари билан бевосита мuloқot ўрнатилиб, қимматли қофозлар бозори иштирокчилари, айниқса миноритар акциядорлар, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари кўрилди ҳамда назорат-таҳлил фаолияти кучайтирилди.



Агентлик бошчилигида Ягона корпоратив ахборот портали доимий равишда таомиллаштирилмоқда.

Капитал бозори соҳасида «Тартибга солиш қумдони» маҳсус ҳуқуқий режими жорий этилиб, дунёнинг 38 та мамлакатининг профессионал иштироқчилари учун маҳаллий фонд бозорига соддалаштирилган кириш имкони яратилди.

Агентлик томонидан янги йўналишлар бўйича норматив-ҳуқуқий базани таомиллаштириш ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича фаол иш бошланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Умид қиласизки, мазкур ҳисобот фуқароларимизни Агентлик томонидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириб, фаолиятимизнинг айрим жиҳатларига ойдинлик киритади ва ўқувчилар учун қизиқарли бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтишни истардимки, Агентлик зиммасига юклатилган янги вазифа ва функциялар давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган катта масъулият ва ишончdir. Шу боис жамоамиз ўзига билдирилган масъулият ва ишончни анлаган ҳолда, ўз вазифаларини самарали бажариш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

Д.Р. Ли

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойихалар
миллий агентлиги директори



Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар айланмаси соҳасини янада ривожлантириш мақсадида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш

2023 йилда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан ишлар давом эттирилди. Хусусан, асосий талабларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида биритириш чоралари кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги **ПФ-121-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-866-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди**

Мазкур Қонун билан **«Давлат божи тўғрисида»**ги ҳамда **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини белгилаш юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат қўрсатувчи провайдерлар фаолиятининг қўйидаги турлари лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхатига киритилди:



- **крипто-биржа** фаолияти;
- **майнинг-пул** фаолияти;
- **крипто-депозитарий** фаолияти;
- **крипто-дўкон** фаолияти

Рухсатномалар олиши талаб қиласиган фаолият (ҳаракат)лар рўйхатига **майнинг** фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома киритилди.



Хусусан, юқорида келтирилган **Қонунда** лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-қоидалари соҳасидаги хукуқбузарликлар учун юридик шахслардан ундириладиган **жарималар миқдори белгиланди**:

- а) крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар учун лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик ёки сохта хужжатлардан фойдаланган ҳолда лицензия олганликучун жарима миқдори - **300 та базавий ҳисоблаш миқдорида** жарима;
- б) майнинг учун рухсатномасиз фаолият (ҳаракат) билан шуғулланганлик ёки сохта хужжатлардан фойдаланган ҳолда рухсатнома олганлик учун жарима миқдори - **150 та базавий ҳисоблаш миқдорида** жарима.

Агентлик томонидан **Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом** (рўйхат рақами 3461, 29.09.2023 й.) ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиб амалга киритилган.

Мазкур Низом билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида майнинг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби белгиланди.



Майнингни амалга ошириш учун рухсатнома талаблари ва шартлари этиб қуидагилар белгиланди:

- а) майнингни амалга ошириш учун қуёш фотоэлектр станцияси орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланиш, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- б) майнинг ускуналарини ўрнатиш учун мўлжалланган алоҳида жойнинг мавжудлиги;



- в) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- г) майнингни фақат рўйхатга олинган пайтда қўрсатилган манзилда амалга ошириш;
- д) майнинг ускуналарини ўрнатиш учун мўлжалланган жойнинг ёнғин хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидалари ҳамда техник хавфсизлик талабларини инобатга олган ҳолда, электр энергияси таъминоти тизимининг техник созлигинитаъминлаш;
- е) майнинг ягона электр энергетика тизимиغا уланган ҳолда амалга оширилган тақдирда, истеъмол қилинадиган электр энергияси алоҳида ҳисобланишини таъминлаш мақсадида Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭҲНАТ) уланиш имкониятига эга бўлган, рўйхатдан ўтказилган электр энергиясини ҳисобга олиш асбобининг мавжудлиги;
- ж) яширин майнинг, аноним крипто-активлар майнингини ҳамда муқаддам муомалада бўлган крипто-активларни муомалага киритишни амалга оширмаслик;
- з) майнинг тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органнинг талабига мувофиқбепул тақдим қилиш;
- и) майнингни амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган йифимларни ўз вақтида ватўлиқтўлаш.



Низом билан шу жумладан, руҳсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, рухсатномани қайта расмийлаштириш, унга ўзгартириш киритиш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш, рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш ҳамда рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби белгиланган.

Агентлик томонидан илфор халқаро тажрибани таҳлил қилиш ва Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар айланмаси бозорини ўрганиш натижаларига кўра, фуқаролар ва инвесторларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Агентлик томонидан республика ҳудудида крипто-активлар айланмаси соҳасида ноқонуний фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик чораларини қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйиш чоралари кўрилди.



Бундан ташқари, Агентлик томонидан ИИВ билан биргаликда крипто-активларнинг ноқонуний айланмасига ва ноқонуний майнингга қарши курашиб тизимини такомиллаштириш мақсадида **«Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 19 январь куни имзоланди (ЎРҚ-899).**



Қонун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонун хужжатларини бузганлик, шунингдек, ноқонуний майнинг учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилашни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар айланмаси институционал тузилмасининг барқарор ривожланиши

2023 йилда технологияларни ривожлантиришнинг юқори суръатлари ва инновацион ечимларнинг жорий этилиши жаҳонда крипто-активлар айланмаси бозорига катта таъсир қўрсатди ва шу сабабли крипто-активлар бозорининг умумий капитализацияси **2023 йилда 108 фоизга ёки пул маблағлари кўринишида – 869 млрд.** долларга ошди¹.

Мазкур омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бизнес ҳамжамиятининг крипто-активлар бозорига сармоя киритишга қизиқиши ҳам ортди, бу эса крипто-активлар бозорида институционал иштирокчилар сонини кўпайишига олиб келди. Агар 2023 йил бошига қадар мамлакатимизда битта крипто-биржа ва тўртта крипто-дўкон фаолият қўрсатган бўлса, 2023 йилда тақдим этилган аризаларни қўриб чиқилиши натижасида Агентлик томонидан крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат қўрсатувчи провайдерлар фаолияти учун жами **9 та янги лицензиялар берилган.**



а) крипто-биржа учун **1 лицензия** («CoinPay» МЧЖ);

б) крипто-депозитарий учун **2 лицензия** («Lockton Solutions LLC-FZ» МЧЖ ва «Paynet Crypto» МЧЖ);

в) крипто-дўкон учун **6 лицензия** («C-Base» МЧЖ, «Paynet Crypto» МЧЖ, «Cryptocorp» МЧЖ, «C-Cash» МЧЖ, «T-Firm» МЧЖ, «T-Rex» МЧЖ).

¹<https://www.coingecko.com/research/publications/2023-annual-crypto-report>



Белгиланган талабларга риоя этмаганлик ва камчиликлар мавжудлиги сабабли **31** нафарталабгорга лицензия беришда рад этилди.

Ҳисобот даврида крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан **33,9 млрд.** сўм миқдорида давлат божи ва фаолиятни амалга оширганлик учун **2,3 млрд.** сўм миқдорида ийфимлар ундирилди.

2022-2023 йилларда крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан умумий **37,1 млрд.** сўм (2022 йилда – **3,1 млрд.**, 2023 йилда – **33,9 млрд.**) миқдорида **давлат божи ва фаолиятни амалга оширганлик учун 2,7 млрд.** сумлик (2022 йилда - **400 млн.**, 2023 йилда - **2,3 млрд.**) ийфимлар тушумитаъминлади.

Хизмат кўрсатувчи провайдерлар фаолиятини ташкил этиш натижасида **70 дан ортиқ янги иш ўринлари** яратилди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда **Ўзбекистон Республикаси** крипто-активлар айланмаси соҳасини ҳуқукий тартибга солиш масалалари юзасидан **МДҲ давлатлари орасида етакчи ўринни** эгаллайди, шунингдек, мазкур соҳада тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қизиқиши билдираётган хорижий инвесторлар учун тушунарли ва аниқ белгиланган ҳуқукий базага эга.

Крипто-активлар айланмаси соҳасида халқаро индекслар



Крипто-активлар билан транзакцияларни кузатиш ва таҳлил қилиш мақсадида таҳлилий воситаларни ишлаб чиқадиган ва таклиф этувчи “Chainalysis” халқаро компанияси томонидан ҳар йили эълон қилинган 2023 йил учун крипто-активларни қабул қилишнинг халқаро рейтингига кўра, Ўзбекистон **25-чи ўринни эгаллади** ва, шу тариқа, Европа Иттифоқининг кўплаб давлатларини (Германия, Италия, Нидерландия, Швейцария, Португалия, Польша, Эстония, Дания ва бошқалар), БАА, Сингапур, Гонконг, шунингдек, Беларусь, Қозогистон, Грузия, Қирғизистон, Озарбайжон, Арманистон, Тажикистон ва минтақанинг бошқа мамлакатларини ортда қолдирди.

Умуман олганда, мазкур индекс “Chainalysis” томонидан ўтказилган тадқиқот ва таҳлиллар дунёнинг **155 мамлакатини** камраб олади.



Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги транзакцияларни мониторинг қилиш, шунингдек улардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш механизмлари ва усулларини яратиш

Молиявий қийматлар ўтказмаларининг янги ва инновацион усулларини, шу жумладан трансчегаравий ўтказмаларни ривожланиши албатта жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришнингянги усулларини пайдо бўлишига олиб келган.

Шу муносабат билан, Агентлик ваколатли органлар билан биргаликда крипто-активлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш учун зарур механизмларни яратиш ва жорий этиш бўйича доимий ишлар олиб борилмоқда.

Агентлик ходимлари томонидан амалга оширилган халқаро ҳамкорлик доирасида дастурий таъминот ишлаб чиқиши соҳасида хизматлар қўрсатувчи халқаро компаниялар билан алоқаларни ўрнатиш ва крипто-активлардан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни мониторинг қилиш механизмларини жорий этиш масалалари таҳлил этилиб, атрофлича ўрганиб чиқилган.

Маълумот учун: ушбу турдаги мониторинг тизимлари маълумотларнинг тақсимланган реестри (блокчейн) технологиясидан фойдаланган ҳолда крипто-активлар ёрдамида амалга оширилган транзакциялар ҳолатини кузатиш ва баҳолашга ёрдам беради.

Ўтказилган учрашувлар натижаларига қўра, 2023 йилда Агентлик томонидан ушбу йўналишда тегишли мониторинг тизимларини ишлаб чиқишига ихтисослашган “**Crystal Blockchain**” (Нидерландия) ва “**Chainalysis**” (Сингапур) халқаро компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.



Ҳамкорлик доирасида Агентлик Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун крипто-активлардан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни мониторинг қилиш механизмини таъминлаш мақсадида мазкур воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи олинди ва тарқатилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон ҳудудида крипто-активлар транзакцияларини мониторинг қилиш тизими яратилди.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги тартибга солиш Махсус режими шўъбаси («Тартибга солиш қумдони» махсус режими)

Крипто-активлар айланмаси соҳасида алоҳида тартибга солиш режими (“тартибга солиш қумдони”нинг махсус режими) 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-121-сон Фармонига мувофиқжорий этилди.

Тажрибавий тартибга солишнинг мақсади – тажриба лойиҳаларини амалга ошириш орқали унинг иштирокчилари учун махсус шароитлар яратишдан иборат. «Тартибга солувчи қумдон»нинг якуний мақсади - тартибга солиш чораларининг самарадорлигини таҳлил қилиш орқали мамлакат иқтисодиёти учун крипто-активлар айланмаси соҳасида эришиш мумкин бўлган энг яхши натижаларни аниқлашdir.

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 28 декабрдаги 68-сон буйруғига асосан “Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди (2022 йил 30 декабрда 3409-ракам билан рўйхатдан ўтказиган.).



2023 йил 28 апрелда махсус режимнинг **биринчи иштирокчиси «Ягона интегратор – Uzinfocom» МЧЖ “.UZ”** доменидаги номлар учун тақсимланган маълумотлар реестри технологияси “блокчейн” асосида NFT-сертификатларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси билан рўйхатдан ўтказилди. Бугунги кунга **қадар тажриба-синов лойиҳа доирасида 420 дан ортиқ NFT-сертификатлари яратилган ва чиқарилган.**

«Капиталбанк» АТБ ва «Octobank» АЖлари ҳам тегишли равишда «Криптокарта» ва «CRYPTO CARD-UzNEX» банк карталари маҳсулотини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича алоҳида тажриба-синов лойиҳалари билан махсус режим иштирокчиларига айланди.



2023 йил декабрь ҳолатига кўра, “Криптокарта” ва “CRYPTO CARD-UzNEX” банк карталари маҳсулотини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳалари доирасида **90 дан ортиқ банк карталари** муомалага чиқарилиб, улар бўйича **нақд пул айланмаси 6000 АҚШ долларидан** ортиқни ташкил этди.

Доимий асосда крипто-активлар айланмаси соҳасида маҳсус тартибга солиш режими иштироқчиларига ёрдам кўрсатиб келинмоқда ва тажриба-синов лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида маслаҳатлар бериб келинмоқда.

Фуқароларга блокчейн технологиялари ва крипто-активларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш мақсадида крипто-активлар айланмаси соҳасига оид видеороликлар тайёрланиб, интернет тармоғида эълон қилиб келинмоқда.

Сектор ходимлари Агентликнинг бошқа бўлинмалари билан биргалиқда Агентлик фаолиятини, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик талабларини, шу жумладан Агентликнинг вазифаларини тушунириш мақсадида манфаатдор компаниялар (инвесторлар) билан учрашувларташкил этиб келмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сон қарорига (кейинги ўринларда - ПҚ-291) мувофиқ **Агентликка капитал бозорини**, шу жумладан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси **фаолиятини тартибга солиш**, корпоратив бошқарувни ривожлантириш **бўйича функция ва ваколатлар берилди**. Шу билан бирга, “Қимматли қоғозлар бозори ахборот-ресурс маркази” давлат унитар корхонаси ва корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz) Агентлик тасарруфига ўтказилди.

Капитал бозорининг ҳолати ва брокерлик компаниялари фаолиятидаги долзарб муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида **2023 йил 8 сентябрь** куни Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги раҳбарияти қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари билан учрашув ўтказди. Йиғилишда капитал бозори инфратузилмасини такомиллаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш ва иш жараёнини рақамлаштиришни жадаллаштиришга оид муаммолар муҳокама қилинди.


2023 йил 13 сентябрь куни Агентлик директорининг буйруғи асосида **Капитал бозорини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши тузилди**.

Кенгашининг асосий вазифалари капитал бозоридаги тенденциялар ва муаммоларни муҳокама қилиш, капитал бозорининг профессионал иштирокчилари ва ваколатли орган ўртасида мулокот ўрнатишга кўмаклашиш, шунингдек, соҳадаги ташабbusлар ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини эксперталар муҳокамасидан ўтказишдан иборат.



Кенгаш ўз фаолиятида капитал бозорини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади, қонун хужжатларини тахлил қиласида ва хорижий мамлакатларнинг капитал бозори ҳамда қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасидаги илфор тажрибасини ўрганади, юқори малакали мутахассисларни Ўзбекистонга жалб этиш билан шуғулланади.

2023 йил октябрь-декабрь ойлари давомида Агентлик ходимлари томонидан **дивидендлар тўлаш бўйича 139 та мурожаат кўриб чиқилди**. Агентлик томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ариза берувчиларнинг қонуний талаблари қаноатлантирилиб, акциядорлик жамиятлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар фойдасига **1 млрд. 197 млн. сўмдан ортиқ дивидендлар тўланди**.



Агентлик томонидан **2023 йилнинг ўтган 3 ойида 34 та акциядорлик жамиятининг 7 трлн. 905 млрд. сўмлик акциялари** ва 2 та корхонанинг **65 млрд. сўмлик облигациялари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди**, шунингдек, аввал чиқарилган **128,6 млрд. сўмлик** акциялар ҳамда **38,1 млрд. сўмлик** облигациялар қимматли қофозлар чиқарилуви Ягона давлат реестри (ЯДР)дан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги **ПФ-6207-сон** Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги **ПҚ-357-сон** қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 марта ПҚ-102-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, **«Ўзбектелеком» АЖ** ва **«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ**нинг кўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилди ва ушбу акцияларни “Тошкент” Республика фонд биржасида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) амалга оширилди.

2023 йил 20 декабр куни “Тошкент” Республика фонд биржасида икки йирик компания – “Ўзбектелеком” АК ва “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖнинг муваффақиятли IPOлари бўлиб ўтди. **«Ўзбектелеком» АК 5 542 046** дона акцияларни ҳар бирини **6000 сўмдан**, **«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ** эса **14 млн.** дона акцияларни ҳар бирини **1000 сўмдан** жойлаштирди. Натижада, IPO давомида обуна бўйича “Ўзбектелеком” АК 131 %га ва “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ **128%**га ортиқча обуна билан мос равища **33,25 миллиард сўм** ва **14,11 миллиард сўм** жалб қилинди.

“Ўзбектелеком” АК акциялари савдосининг дастлабки уч кунида умумий қиймати **1,7 миллиард сўмлик битимлар амалга оширилди**, ушбу даврда “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ акциялари савдоси қарийб **36 миллион сўмни** ташкил этди. Бундан ташқари, **“Ўзбектелеком” АК акциялари** нархи савдонинг дастлабки уч кунида **25%га**, **“Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ** акциялари эса **49%га ўсган**.



Хисобот даврида Агентлик томонидан корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)ни модернизация қилиш ва функцияларини такомиллаштириш бўйича ишлар амалга оширилди.



Маълумотларга тезкор кириш учун зарур эмитентлардан керакли маълумотларни топиш ва юклаб олиш имконини берувчи "Openinfo" корпоратив маълумотлар ягона порталидан маълумотларни олиш учун https://t.me/openinfouz_bot махсус Телеграм боти ишга туширилди.


Мазкур бот орқали керакли АЖга обуна бўлиб, унинг хисоботлари, муҳим фактлар ва бошқа маълумотлар ҳақида билдиришномаларни олиш мумкин.

Хисоботлар бўлимида фойдаланувчи эмитентларнинг йиллик ва чораклик хисоботларини, ҲМҲС ва аудит хисоботларини кўриш ва қидириш имкониятига эга.

Ноябрь ойида корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz) ва **"Тошкент" Республика Фонд биржаси сайти (uzse.uz) ўзаро интеграция қилинди.**

Ушбу интеграция натижасида эмитентларнинг муҳим фактлари ва хисоботлари ҳақидаги маълумотларни openinfo.uz сайтидан uzse.uz сайтига автоматик тарзда ўтказиш имконияти яратилди.

Хозирда мазкур интеграция тест режимида бўлиб, Ахборот ресурс маркази мутахассислари назоратида бўлади. Тўлиқ функционалликни таъминлаш учун биржа котировкаси варағида қайд этилган эмитентлар қўрсатмаларга риоя қилган ҳолда **uzse.uz** веб-сайтидаги шахсий кабинетига СТИРни киритиш керак.



Қимматли қоғозлар бозорининг професионал иштирокчилари ва тадбиркорлар учун **корпоратив ахборот ягона портали - Openinfo.uz билан маълумотлар алмашиш учун API ишга туширилди.**



Эндиликда эмитентларнинг чораклик ва йиллик молиявий ҳисботлари веб-сайтлар, мобиль иловалар, компьютер дастурлари ва бошқа турли платформалар орқали тақдим этилмоқда. Ушбу API ёрдамида турли хил диаграммалар ва аналитик маълумотларни яратиш мумкин.

Openinfo портали энди йиллик ва чораклик ҳисботларни Excel форматида тақдим этиш имкониятига эга; молиявий ҳисботни файл хужжатига юклашда маълумотлар порталдаги керакли катакларга автоматик равишда тўлдирилади.

Шунингдек, эмитент профили ишлаб чиқилди, унда фойдаланувчилар эмитентҳақидаги барча маълумотларни бир саҳифада кўришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сон қарорида белгиланган топшириклар ижросини амалга ошириш мақсадида Агентлик томонидан:

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қимматли қоғозлар бозорида мижозларни масофавий рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди

Ушбу лойиҳа жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чора-тадбирларни “ривожлантириш гурухи” (AML/CFT) талабларига мувофиқ резидент ва норезидент жисмоний шахсларни (кейинги ўринларда - мижозлар) инвестиция воситачилари томонидан масофавий рақамли идентификация қилиш тартиби ва шартларини, шунингдек, инвестиция воситачилари томонидан мижозлар билан шартномалар тузишда мижозларни текшириш, улар тўғрисидаги шахсий маълумотларни аниқлаштириш тартиб-қоидаларини амалга оширишни белгилайди;

2) Агентлик директорининг “Капитал бозори соҳасида “Тартибга солиш қумдони” маҳсус ҳуқуқий режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи”





Ушбу лойиҳа, хусусан, тан олинган хорижий юрисдикциялардан инвестиция воситачилари (депозитар ва кастодиан банклар, инвестиция банклари ва бошқалар)ни тан олишининг соддалаштирилган тартиблари бўйича қоидаларни белгилашни назарда тутади. Тасдиқланганидан кейин хорижий банклар ва инвестиция воситачиларининг Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлари бозорида тегишли рухсатномаларсиз андеррайтинг фаолиятини амалга оширишга рухсатнома берилади.



3) Агентлик директорининг “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва (ёки) инвестиция воситачиси орқали қимматли қоғозлар (дивиденdlар, фоизлар) бўйича даромадларни тўлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

Ушбу тартибнинг мақсади қимматли қоғозлар эгалари томонидан даромад олишни соддалаштириш ва тезлаштиришdir. Ушбу автоматлаштирилган жараён орқали акциядорларнинг даромадларини, жумладан дивиденdlар ва фоиз даромадларини ҳисоблаш ва тўлаш соддалаштирилади ва тезлаштирилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сон қарори билан Агентликка суғурта бозори назорати бўйича вазифалар ва функциялар юклатилган.

Агентликнинг ҳисобот давридаги фаолияти асосан қуидагиларга қаратилди:

- Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг ҳозирги ҳолатини танқидий таҳлил қилиш;
- ■ суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта фаолияти соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш;
- ■ суғурта бозорини назорат қилиш самарадорлигини ошириш бўйичаирламчи чора-тадбирларни қабул қилиш



2023 йил сентябрь ойида Агентлик томонидан суғурта бозорининг барча профессионал иштирокчилари билан учрашув ўтказилиб, унда суғурта бозорининг бугунги ҳолати, актуал муаммолар ва яқин истиқболга мўлжалланган режалар муҳокама қилинди. Шунингдек, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, мажбурий суғурта тизимини тартибга солиш, ихтиёрий суғуртани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг муносиб ва адекват тизимини яратиш, суғурта бозори инфратузилмасини такомиллаштириш ва қайта суғурталаш механизмини ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилди.

Агентлик Жаҳон банки эксперларининг тавсияларига мувофиқ **“Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини ривожлантириш тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳасини** ишлаб чиқди. Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 1 март куни имзоланди (ПҚ-108).




Ушбу қарор суғурта хизматлари истеъмолчилари манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган қонунчилик базасини яратишга, шунингдек суғурта бозорини тартибга солишнинг **халқаро стандартлари асосида соҳани тартибга солувчи норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга (Insurance core principles)** қаратилган бўлиб, бунда

суғурталовчиларнинг табақалаштирилган устав капиталининг энг кам миқдорларига ҳамда суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерларининг лицензиялаш талаблари ва шартларига ўзгартиришлар киритилади ҳамда Ягона ахборот тизими орқали суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини расмийлаштириш қоидлари ва шартлари жорий этилмоқда.

Суғурта фаолиятини **тартибга солувчи органнинг асосий вазифаларидан** бири суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Агентликка келиб тушаётган мурожаатлар асосида, суғурта ташкилотлари томонидан суғурта товони тўланишини назорат қилиш чоралари кўрилмоқда.



2023 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари давомида Агентликнинг тегишли Департаменти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг жами **1 447 та мурожаати қўриб чиқилиб**, улардан **1 090 таси қаноатлантирилиб**, **7,9 млрд сўм** миқдорида суғуртатовони **тўланди**.



2023 йилдан бошлаб Агентлик томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали суғурта полисларини сотиб олиш ва суғурта ҳодисалари бўйича даъволарни тақдим этиш хизмати йўлга қўйилди, бу эса жисмоний ва юридик шахсларга транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ЙТХда

айбдор шахсни суғурталанганилиги тўғрисида электрон мурожаат қилиш имконини беради.

III. Суғурта бозорининг ривожланишини тартибга солиш



Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги ушбу хизмат ЙТҲ учун жавобгар шахснинг жавобгарлиги суғурталанганлиги ва ЙТҲ содир бўлган тақдирда транспорт воситасига етказилган заарни қоплаш учун қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини аниқлаш имконини беради.

Суғурта хизматлари истеъмолчиларига қулайлик яратиш мақсадида йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги хабарларни онлайн юбориш ва кўрибчикиш учун “**Sug'urta servis**” мобил иловаси ишга туширилди.

Транспорт воситалари эгалари ички ишлар ходимлари иштирокисиз воқеа жойидан фотосуратлар ва зарур ҳужжатларнинг электрон нусхаларини юбориши орқали автоҳалокат тўғрисидаги хабарномани онлайн юборишлари ҳамда етказилган заарар учун компенсация олишлари мумкин. Бу имконият йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари томонидан **хабарномаларни ва суғурта даъволарини расмийлаштириш ҳамда кўриб чиқиш тартибини сезиларли даражада соддалаштиради.**



Агентлик ходимлари томонидан суғурталовчилар фаолиятининг пруденциал меъёрларга мувофиқлиги юзасидан ўрганишлар ўтказилиб, қонунчилик талабларини бузганлик учун **8 та суғурта ташкилотига жами 353,5 млн. сўмлик жарима санкциялари кўлланилди.**

“UNIPOLIS” АЖ СТ, “FAROVON SUG'URTA” АЖ, “SHARQ-SUG'URTA” АЖ ва “ASKO-VOSTOK” АЖ ҚҚ СТ суғурта ташкилотлари аризаларига биноан уларнинг **лицензиялари бекор қилинди**.

Суғурта фаолиятига доир қонунчилик талабларини бузганлик учун, шу жумладан захираларни шакллантирганлик сабабли “DD GENERAL INSURANCE” АЖ суғурта ташкилотининг **лицензияси 6 ой муддатга тўхтатилиб**, шунингдек **2 та суғурта ташкилотининг лицензиялари 10 кунга тўхтатилди** (“ОМАД SUG'URTA” АЖ ва “KAFOLAT HAYOT INSURANCE” АЖ).





Шунингдек, **2023 йил октябрь ойида олий ўқув юртлари раҳбарлари** иштирокида давра суҳбати ташкил этилиб, унда суғурта соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги мавжуд муаммолар, шу жумладан, мутахассислик бўйича умумий ўқиш муддатини уч йилгача ва бир йиллик интернатурага қисқартириш масалалари муҳокама қилинди.

Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармасининг Ягона автоматлаштирилган тизим бўйича фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2023 йил декабрь ойида суғурта ташкилотлари билан учрашув ўтказилиб, натижада суғурта ташкилотлари томонидан маълумотлар базасига зарур маълумотларни киритиш бўйича ишлар фаоллаштирилди.



Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва рақамли технологиялар орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, шунингдек, ахолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарори қабул қилинди.**

Агентликка электрон тијкоратни тартибга солиш ва ривожлантириш, лотереялар ва букмекерлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш соҳасида вазифалар, функция ва ваколатлар ўтказилди.

Шунингдек, рақамли технологиялар орқали содир этилган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.


Агентлик ходимлари томонидан электрон тијкорат истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва электрон савдо майдончалари фаолиятини ташкил этиш бўйича лицензиялаш тартибларини белгилаш мақсадида амалдаги қонунчиликни ўрганиш бўйича ишлар бошланган.



Агентлик үзига юкланган вазифаларни бажариш доирасида криpto-активлар, капитал бозори ва суғурта соҳаларида кенг ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширади.

2023 йилда **Агентлик** ва “Астана” Ҳалқаро молия маркази молиявий хизматларни тартибга солиш қўмитаси (Қозоғистон) ўртасида **капитал бозорлари, суғурта ва криpto-активлар соҳасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва қўшма ташабbusларни ривожлантиришга қаратилган Ўзаро англашув Меморандуми** имзоланди.

Маълумот учун: “Астана” Молиявий хизматларни тартибга солиш қўмитаси (*Astana Financial Services Authority, AFSA*) – Астана ҳалқаро молия марказининг (АҲҲМ) мустақил регулятори. АҲҲМ молиявий ва қўллаб-қувватлаш хизматларини қўрсатувчи марказ иштирокчилари фаолиятини, шунингдек, АҲММ худудидаги капитал бозори фаолиятини тартибга солади.



Томонлар рискларни аниқлаш, қимматли қофозлар бозори, суғурта бозори ва криpto-активлар бозорини назорат қилиш бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, ушбу соҳаларда қўшма илмий-тадқиқот ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик фаолиятининг аниқ режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш бўйича тегишли фаолият олиб бормоқдалар.

2023 йил май ойида Агентлик вакиллари Ҳалқаро ишончли блокчейн иловалари ассоциацияси (International Association of Trusted Blockchain Applications - INATBA) Ҳукумат маслаҳат органининг (ҲКО) 7-чи йиғилишида иштирокэтдилар.

Агентлик вакили Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва криpto-активлар айланмаси соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маъруза қилди. Хусусан, тақсимланган маълумотлар реестридан фойдаланган ҳолда Махсус режим доирасида ишлаб чиқилаётган лойиҳалар, Ўзбекистонда криpto-активлар айланмаси соҳасида криptoхизмат қўрсатувчи провайдерлар учун яратилган шарт-шароитлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида маълумотлар берилди.

2023 йил декабрь ойида Агентлик ходимлари виртуал активлар бўйича ФАТФ (**FATF - жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида жаҳон стандартларини ишлаб чиқадиган ҳукуматлараро ташкилот**) контакт гуруҳининг симпозиумида иштирок этдилар, унда виртуал активлар секторини тартибга солиш масалалари, ФАТФ “Йўл қоидаси”ни амалга ошириш хусусиятлари, шунингдек, техник ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.



Бундан ташқари, Агентлик томонидан доимий равища хизмат кўрсатувчи провайдерлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий қонунчиликка риоя этиш, ФАТФ тавсиялари талабларини тушунириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Сингапурдаги **«Chainalysis»** компанияси томонидан “Крипто-активлар билан боғлиқ транзакцияларни назорат қилиш ва бу йўналишда текшириш ўтказиш усуллари” мавзусида Агентлик ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун семинар-тренинг ташкил қилинди.



Сингапурлик компания томонидан крипто-активлар билан боғлиқ операцияларни кузатишида маҳсус дастурий воситаларни ишлатиш муҳимлиги, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларида крипто-активлар айланмаси соҳаси бўйича билимларни шакллантириш муҳимлиги тўғрисида тақдимот ўтказилди.

Шунингдек, амалий мисоллар ёрдамида крипто-активлар айланмаси соҳасида текшириш ўтказиш, юқори хавфга эга манзиллар/транзакцияларни аниқлаш, AML жараёнларни ўтказиш кўрсатилди.

2023 йил октябрь ойида Агентлик ходимлари **Европа Кенгаши томонидан Страсбургда (Франция) ташкил этилган “Виртуал активлардан суиистеъмол қилинишининг олдини олиш – иқтисодий жиноятларга қарши кураш воситалари ва қиёсий тажриба” мавзусидаги минтақалараро семинарда** иштироқ этдилар.



Семинар давомида виртуал активлар билан боғлиқ иқтисодий жиноятларга қарши курашнинг халқаро стандартлари ва тартибга солинадиган виртуал активлар хизмати провайдерларининг (ПУВА) афзалликлари, ПУВА сектори рискларини баҳолаш, тушуниш ва юмшатиш ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, октябрь ойида **Агентлик ходимлари Олма-ота шахрида (Қозоғистон) бўлиб ўтган 2-МОМИҲ капитал бозорини тартибга солувчилар – Барқарор ривожланиш учун ислоҳотлар ва инновациялар бўйича ҳамкорлик форумида** иштирок этдилар.

Форум МОМИҲ минтақасида капитал бозорини ривожлантириш бўйича минтақавий ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш, шунингдек, барқарор иқтисодий ривожланиш учун инновациялар ва иқлимий молиялаштиришни жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Агентлик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, молиявий маҳсулотлар, бозор инфратузилмасини ишлаб чиқиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Халқаро молия корпорацияси (ҲМК), БМТТД, Ислом тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки кўмагида “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.



Халқаро марказий депозитарий Clearstream (ICSD) ва Citigroup (АҚШ) инвестицион компанияси билан биргаликда ўз мижозлари – йирик глобал инвестиция компаниялари ва фондлариiga Ўзбекистон қимматли қофозлар бозорига киришни таъминлаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди.



2023 йил декабрь ойида Агентлик томонидан йирик халқаро Citi Bank (Нью-Йорк, АҚШ) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтиб, учрашув давомида глобал депозит тилхатлари (GDR) ва глобал депозит ёзувлари (GDN) чиқариш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари, Ўзбекистон компанияларининг халқаро IPO га чиқиши, халқаро инвесторларнинг Ўзбекистондаги корпоратив облигациялар бозорига қизиқишини ошириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон капитал бозорига хорижий инвесторларни янада жалб этиш бўйича келгусида келишилган ишларни йўлга қўйиш, шунингдек, Citi Bankning Марказий банкда валюта ҳисоб рақамларини, шунингдек, Валюта биржаси ва Марказий депозитарийда қимматли қоғозлар ҳисобварақларини очиш юзасидан фикр алмашдилар.

2023 йил декабрь ойида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва KPMG халқаро аудит компанияси билан биргаликда “Корпоратив ахборот ягона порталини модернизация қилиш ва бозор назоратининг самарали воситасини ишлаб чиқиш” мавзуусида йиғилиш ўтказилди.



Учрашувда ЕТТБ маслаҳатчиси Ден Мечоулам, ЕТТБ таҳлилчиси Жон Гордон, KPMG оғиси директори Ануар Нураҳметов, халқаро эксперталар Михаил Пиэчокки ва Катаржина Сокович иштирок этди. Семинарда Ўзбекистон томонидан Агентлик, Тошкент фонд биржаси ва Uzinfocom Ягона Интегратори вакиллари иштирок этди.



ЕТТБ вакиллари ва ҳалқаро экспертлар Ягона корпоратив ахборот порталини (openinfo.uz) модернизация қилиш бўйича кейинги ҳаракатлар сценарийларини тақдим этдилар. Семинарда Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хусусан, ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ягона портални янада такомиллаштириш стратегияси бўйича таклифлар муҳокама қилинди.



Муҳокама давомида портални ишлаб чиқишининг бир қатор сценарийлари, жумладан XBRL ва JSON маълумотлар алмашинуви стандартларини жорий этиш билан боғлиқсценарийлар қўрибчиқилди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар молия бозорининг янада очиқлигини таъминлаш ва хорижий инвесторлар учун маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида портални янада такомиллаштириш бўйича аниқчора-тадбирлар белгилаболинди.




Хитой Ҳалқ Республикаси элчиҳонаси нинг Савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси девонхонаси билан ҳамкорликда республика вазирлеклари ва идоралари ходимлари Хитойнинг турли ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги, шунингдек, Хитойда амалга оширилаётган ислоҳотлар тажрибасини ўрганиш бўйича малака ошириш йўналишида амалга оширилаётган ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида эътиборга молик.

2023 йилда **163 та семинар ва ўқув курсларида** республика вакилларининг иштироқи таъминланди, уларда вазирлик ва идораларнинг **647** нафар ходими иштирок этди, шундан **80,8** фоизини эркаклар, **19,2** фоизини аёлларташкил этди.



Агентлик вакиллари Пекинда “Яшил иқтисодиёт ва янги энергия” мавзусидаги семинарида иштирок этдилар.

Семинарда “яшил” энергия тамойиллари асосида арzon энергия манбаларини излаш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, Хитойнинг экологик тоза ва барқарор шаҳарлар қуриш, яшил қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги энергияда катта маълумотлардан фойдаланиш тажрибаси ўрганилди. Тадбиряшил иқтисодиёт ва янги энергетикани ривожлантириш бўйича икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро тажриба алмасиш учун ноёб платформа яратиш мақсадида ташкил қилинди.



Агентлик вакиллари
“Финтех, банклар ва Ритейл”
III Халқаро ПЛАС форумида иштирок этдилар. Унинг доирасида криpto-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси тақдим этилди. Жумладан, криpto-активлар айланмаси соҳасидаги тартибга солиш маҳсус режими шўъбаси (“Тартибга солиш қумдони”) мудири Камронбек Муҳаммадиев сессия

иштирокчиларини криpto-активлар айланмаси соҳасини тартибга солишнинг меъёрий-хуқуқий асослари, шу жумладан криpto-активлар айланмаси соҳасида инновацион технологияларни синовдан ўтказиш ва ўрганиш бўйича ихтисослаштирилган лаборатория иши ва “Тартибга солиш қумдони” фаолияти билан таништирибўтди.



Агентлик ходимларининг малакасини ошириш

Агентликда ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2023 йил Агентлик ходимлари учун бир қатор ўқув тадбирлари ва семинарлар ташкил қилинди.

2023 йил 3 февраль куни **Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти** билан ҳамкорликда криpto-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўrsatuvchi провайдерларнинг масъул ходимлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш (ЖФДЛ/ТМ/ОҚҚТМҚҚ) бўйича қонунчилик талабларига риоя этиш тўғрисида ўқув тренингиташкил этилди.



Тадбир давомида Агентлик ва Департамент ходимлари томонидан **ЖФДЛ/ТМ/ОҚҚТМҚҚ соҳасидаги ҳалқаро стандартлар (ФАТФ тавсиялари) талаблари**, шубҳали операциялар тўғрисида хабар бериш, террорчилик ҳаракатида ёки оммавий қирғин қуролларининг тарқалишида иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинувчи шахслар рўйхати билан ишлаш тартиби, шунингдек самарали ички назоратни ташкил этиш ва амалга оширишнинг бошқа омиллари **тушунтирилди**.



7 февраль куни Агентлик ходимлари учун банк, молия ва қимматли қофозлар бозори соҳасидаги асосий тушунчалар бўйича тренинг ташкил этилди. Тренинг **Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси** профессор-ўқитувчилари иштирокида ўtkazildi. Агентлик ходимларига **“Криpto-активлар савдолари амалиёти”, “Қимматли қофозлар бозори: назария ва амалиёт” ва “Мураккаб муаммоларни динамик моделлаштириш”** мавзуларида маъruzalartakdimoti ўtkazildi.



15 февраль куни Агентлик ходимлари учун “**“Инглиз шартнома ҳуқуқи, унинг ҳусусиятлари ва қўлланилиши”** мавзусида ўқув машғулоти ташкил этилди. Тренингда Тошкент давлат юридикуниверситетининг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ўқитувчилари Ш.Тиллабоев ва Ш.Файзуллаевлар ҳамда “Халқаро ҳусусий ҳуқуқ” кафедраси ўқитувчиси, халқаро арбитраж ҳуқуқи бўйича ҳуқуқшунос, профессор И.Путилин Агентлик ходимлари учун тақдимот ўтказдилар.

Тренингда маъruzачилар томонидан инглиз ҳуқуқ ва суд тизими, шартнома ҳуқуқининг асосий қоидалари, инглиз қонунчилиги билан тартибга солинадиган шартномаларни тузиш, ижро этиш, бекор қилиш амалиёти ва улардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича тақдимотлар ўтказилди ва муаммоли масалалар бўйичатавсиялар ва амалий маслаҳатлар берилди.

25 март куни Агентлик ходимлари учун Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг** мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида ўқув семинари ташкил этилди. Семинарни **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги етакчи инспектори** Бобурмирзо Исмоилов олиб борди. Семинарда давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий қоидалар, давлат хизматини тартибга солишда давлат органларининг асосий вазифа ва ваколатлари, давлат хизматчиларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маъруза қилинди.



2023 йил март-апрель ойларида Агентлик ходимлари учун **халқаро маъruzachi, бир қатор халқаро ўқув курслари муаллифи - Маргулан Сейсембаев** томонидан ишлаб чиқилган, белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун ресурсларни тўғри ишлатишни ўргатувчи “Кайдзен режалаштириш 2.0” ўқув модули бўйича онлайн тренингтاشкил этилди.

Ўқув курсида муваффақиятли иштирок этган **икки нафар Агентлик ходими учун** Маргулан ўқув платформаси томонидан “Power Management” мавзусида бепул қўшимча онлайн тренингтақдим этилди.



Бундан ташқари, 9 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллый агентлиги томонидан **М.Сейсембаев томонидан маҳорат дарси ташкил этилди**.

Маҳорат дарси Кайдзенни бошқарув даврида қўллаш, ўз-ўзини ривожлантириш учун кўшимча имкониятлар яратиш, режалаштириш соҳасида салоҳиятни ошириш ва барча даражадаги менежерлар ва ходимларнинг ишини оптималлаштириш мақсадида ўтказилди. Маҳорат дарсида давлат ташкилотлари, банк соҳаси вакиллари, тадбиркорлар, талабалар иштирок этди.

М.Сейсембаев маҳорат дарси тингловчиларига бизнес ва бошқарув жараёнларини оптималлаштириш ҳамда шахсий ривожланишни таъминлайдиган самарали механизмлар – Кайдзен фалсафаси билан таништирди.




Шунингдек, жорий йилнинг 4 декабрь куни Агентлик ходимлари учун **“Капитал бозори ва молиявий технологиялар”** мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Семинарни Тошкент молия институтининг **“Корпоратив молия ва қимматли қофозлар” кафедраси доценти** Акрамжон Каримов ва докторант Исломбек Хушвактовлар олиб бордилар.

Семинар давомида Агентлик ходимларига капитал бозори тушунчасининг тарифи, унинг турлари, моделлари, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш бўйича маълумотлар берилиб, капитал бозорини ривожлантириш соҳасидаги хорижий ва маҳаллий тажриба таҳлили тақдим этилди.

Жамоатчилик-ватанпарварлик фаолияти

Жорий йилнинг 13 январь куни Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллигига бағишилаб “Мен – Ватан таянчиман” мавзууда ватанпарварлик соати ташкил этилди. **“Миллий армиямиз – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқони!”** шиори остида ўтказилган тадбир халқ ва армия ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш мақсадида ташкил этилди.





Ватанпарварлик соатида Ватанга садоқат, миллий армиямизга юксак эътибор, амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларнинг ори ва масъулияти масалалари муҳокама қилинди.

2023 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан **“Шахс ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциянинг янги таҳририда”, “Янги таҳирдаги Конституцияга киритилган ўзгартиришларнинг мазмун ва моҳияти”, “Конституциянинг янги таҳририда давлат органларининг ваколатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар”** мавзуларида семинар ташкил қилинди. Семинарда **Тошкент давлат юридик университети “Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси катта ўқитувчиси** Мадиев Фахриддин Кошимўғли маъруза қилди.

20 октябрь куни Агентликнинг барча ходимлари иштироқида Давлат тили кунига бағишлиланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 апрелда қабул қилинган **“Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунининг** (ЎРҚ-615-сон) 1-моддасига асосан 21 октябрь Ўзбек тили байрами куни деб эълон қилинган. Тадбирда ўзбек тилининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш босқичлари ҳамда унинг хусусиятлари, айрим қўлланиш қоидаларига оид мавзулар муҳокама қилинди.



7 декабрь куни Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлиланган **“Конституциянинг янги таҳрирининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти”** мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарни янги таҳирдаги Конституция ишлаб чиқилишида ишчи гурӯҳ аъзоси бўлган **Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти сектори мудири** Баҳодир Исмоилов олиб борди.

Ёшлар сиёсати

Ёшлар ҳақиқий ва фаол ижтимоий-сиёсий кучдир. Ёшлар янги тенденциялар ва янги технологияларни ҳаётга олиб киришмоқда. Ёшлар овози ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ ва ёшлар ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.



Шуни инобатга олган ҳолда, ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш, кейинчалик Агентликка ташаббускор ва истиқболли ёш кадрларни танлаш ва ишга жойлаштириш Агентликнинг ёшларга оид сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Агентлик томонидан 2023 йилда олий таълим муассасалари талабалари билан ёшларнинг Ўзбекистонда криpto-активлар айланмаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш асослари, рақамли ва молиявий саводхонлик даражаси бўйича билимларини оширишга қаратилган қатор учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар очик мулоқот тарзида ташкил этилиб, унда талабалар эркин муҳитда Агентлик мутахассисларига саволлар бериб, криpto-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.



Талабалар билан учрашувлардан кўзланган асосий мақсад - ёшларнинг Ўзбекистонда криpto-активлар айланмаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш асослари, рақамли ва молиявий саводхонлик даражаси ҳақидаги билимларини оширишдан иборат.

Агентлик ходимлари томонидан Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, жаъми бешта олийгоҳ талабалари билан учрашувлар ташкил этилди.



Учрашувлар давомида Агентлик ходимлари ёшларни криpto-активлар айланмаси билан боғлиқ асосий тушунча ва атамалар билан таништирдилар, криpto-активларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва криpto-активлар айланмасини тартибга солиш ҳақида сұхбат ўтказдилар.



Коррупцияга қарши курашиш ва фаолиятнинг шаффоғлигини таъминлаш



Агентлик томонидан коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хавфларни минималлаштириш ва Агентлик ходимлари томонидан коррупциянинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Коррупция, сансалорлик ва бюрократиянинг ҳар қандай кўринишларига, ижро интизоми бузилишига нисбатан муросасизлик муҳити яратилган.

Коррупцияга қарши курашишнинг ички механизмларини мустаҳкамлаш мақсадида Агентлик фаолиятининг коррупция хавфини баҳолаш амалга оширилиб, унинг натижаларига кўра **Агентлик фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг умумлаштирилган харитаси ва 2023 йилга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш дастури тасдиқланди**.

Агентлик ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида 2023 йилнинг 20 февраль куни **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси профессори иштирокида** “Коррупция – хавфсизлик ва тараққиётга таҳдид” мавзусида ўқув тренинги ўтказилди.



2023 йилнинг 30 ноябрь куни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармони моҳиятини тушунтиришга бағишлиланган **ўқув машғулоти** бўлиб ўтди.



Бундан ташқари, Агентликнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси ходими Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган бир қатор тадбирларда иштирокэтди, жумладан:

- коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияни олдини олиш ва “комплаенс-назорат тизимини самарали жорий этиш” мавзусида ўтказилган семинар-тренингда;
- жорий йилнинг 3 ноябрь куни ўтказилган “III Тошкент Аксилкоррупция форуми”да.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг ҳисоби ватаҳлили юритилади.



ҲИСОБОТ 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

2024

Telefon raqami:
(+99871) 231-79-09

Web sayt:
<https://napp.uz>